

**ҚОРАКЎЛЧИЛИК ВА ЧЎЛ ЭКОЛОГИЯСИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ
PhD.05/30.12.2019. Qx.75.01. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ҚОРАКЎЛЧИЛИК ВА ЧЎЛ ЭКОЛОГИЯСИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ**

РИЗАЕВА ДИЛФУЗА ТАХИРОВНА

**ҚОРА РАНГЛИ ҚОРАКЎЛ ҚЎЙЛАРИ СЕЛЕКЦИОН
БЕЛГИЛАРИНИНГ ҚУМЛИ ЧЎЛ ШАРОИТИДА НАМОЁН БЎЛИШ
ХУСУСИЯТЛАРИ**

**06.02.01 – Қишлоқ хўжалик ҳайвонларини урчитиш, кўпайтириш, селекцияси ва
генетикаси**

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

САМАРҚАНД – 2020

**Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
сельскохозяйственным наукам**

**Contents of dissertation abstract of philosophy (PhD) on
agricultural sciences**

Ризаева Дилфуза Тахировна

Қора рангли қорақўл қўйлари селекцион белгиларининг қумли чўл шароитида намоён бўлиш хусусиятлари..... 3

Ризаева Дилфуза Тахировна

Особенности проявления селекционных признаков черных каракульских овец в условиях песчаной пустыни..... 21

Rizaeva Dilduza Takhirovna

Peculiarities of the manifestation of breeding characteristics of black karakul sheep in the conditions of a sandy desert 37

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published work..... 40

**ҚОРАКЎЛЧИЛИК ВА ЧЎЛ ЭКОЛОГИЯСИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ
PhD.05/30.12.2019. Qx.75.01. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ҚОРАКЎЛЧИЛИК ВА ЧЎЛ ЭКОЛОГИЯСИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ**

РИЗАЕВА ДИЛФУЗА ТАХИРОВНА

**ҚОРА РАНГЛИ ҚОРАКЎЛ ҚЎЙЛАРИ СЕЛЕКЦИОН
БЕЛГИЛАРИНИНГ ҚУМЛИ ЧЎЛ ШАРОИТИДА НАМОЁН БЎЛИШ
ХУСУСИЯТЛАРИ**

**06.02.01 – Қишлоқ хўжалик ҳайвонларини урчитиш, кўпайтириш, селекцияси ва
генетикаси**

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

САМАРҚАНД – 2020

Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.1.PhD/Qx390 рақами билан рўйхатга олинган.

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси Қоракўлчилик ва чўл экологияси илмий тадқиқот институтида бажарилган.

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.uzkarakul.uz) ва «ZiyoNet» ахборот таълим порталида (www.ziyo.net) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Бобоқулов Насилло Асадович

қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Соатов Ўткир Ражабович

қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, доцент

Ҳакимов Ўқтам Нормухамедович

қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди

Етакчи ташкилот:

Ипакчилик илмий-тадқиқот институти

Диссертация ҳимояси Қоракўлчилик ва чўл экологияси илмий-тадқиқот институти ҳузуридаги фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини берувчи PhD05/12.2019.Qx.75.01 рақамли илмий кенгашнинг 2020 йил «06» 10 соат 14⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 140154, Самарканд, Мирзо Улуғбек кўчаси, 47 уй. Қоракўлчилик ва чўл экологияси илмий-тадқиқот институти мажлислар зали, 2-кават, тел: (99866) 233-32-79; факс: (99866) 233-34-81; e-mail: uzkarakul30@mail.ru).

Диссертация билан Қоракўлчилик ва чўл экологияси илмий-тадқиқот институтининг ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (175 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 140154, Самарканд, Мирзо Улуғбек кўчаси, 47-уй, институт маъмурий биноси, 1-кават. Тел: (99866) 233-32-79; факс: (99866) 233-34-81.

Диссертация автореферати 2020 йил «25» 09 куни тарқатилди.
(2020 йил «25» 09 даги 9 рақамли реестр баённомаси)



М.Э.Аширов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси
ўринбосари, к-х.ф.д., профессор

Б.С.Маматов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий
котиби, к-х.ф.д. (PhD)

С.Ю.Юсупов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси, к-х.ф.д.,
профессор

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунё микёсида қоракўл кўйлари 40 дан ортиқ мамлакатларда урчитилади. Ушбу мамлакатлар қаторида Афғонистон, Жанубий Африка республикаси, Намибия давлатлари йирик қоракўлчилик регионлари бўлиб, уларда қоракўлчасимон бозоргир қоракўл маҳсулоти берувчи кўк ва қора рангли қоракўл кўйларининг йирик массивлари яратилган.¹

Қоракўл кўйлари Ўзбекистон, Қозоғистон, Туркменистон, Россия, Украина, Молдова, Тожикистон каби МДХ давлатларида урчитилиб, уларда урчитиладиган турли ранг, рангбаранглик ва гул типларидаги қоракўл кўйлари зотнинг ўта қимматли генофондини ташкил этади. Таъкидлаш лозимки, ҳозирги кунда зот таркибида мавжуд бўлган салоҳият ёппа селекциялаш шароитида 40-45 % даражасида фойдаланилмоқда. Лекин таъкидлаш мумкинки, кўп йиллар давомида олиб борилган тадқиқот ишлари кўйлар билан йўналтирилган мақсадли селекция-наслчилик ишларини юритиш ушбу салоҳиятдан фойдаланиш даражасини 15-20 % га, айрим ҳолатларда 25-30 % гача ошириш мумкинлигини кўрсатган.

Республиканинг 20,0 миллион гектар майдонини чўл ва ярим чўл ҳудудлари эгаллайди. Ушбу майдонлар экстремал шароитга эга бўлиб, кескин континентал об-ҳавоси, кам ҳосилли яйловлари билан характерланади. Ушбу ҳудуддан самарали фойдаланадиган соҳа - бу қоракўлчилик соҳаси бўлиб, унинг асосини ташкил этувчи қоракўл кўйлари тенгсиз ҳисобланган турли ранг, рангбаранглик, гул типи ва ассортиментлардаги қоракўл терилари берувчи дунё аҳамиятига эга бўлган зотдир. Зотнинг қайд этилган хусусиятлар бўйича генетик салоҳияти жуда юқори. Лекин ушбу салоҳиятдан унумли фойдаланиш, унинг қимматли белгиларини юзага чиқариш, намоён бўлиш даражаларини кучайтириш соҳанинг иқтисодий қудратини оширишда муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикасини 2017-2021 йилларда ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «...қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини изчил ривожлантириш, мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини янада мустаҳкамлаш, экологик тоза маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш, чорвачиликни жадал суръатлар билан ривожлантириш, чорвачилик маҳсулотларига аҳолининг таборо ўсиб бораётган талабини қондириш»га алоҳида эътибор қаратилган.² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 мартдаги «Чорвачиликда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 2018 йил 14 мартдаги «Қоракўлчилик соҳасини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, ПҚ-3603-сонли, 2019 йил 16 августдаги «Қоракўлчилик тармоғини комплекс ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4420-сонли қарорлари ва мазкур фаолиятга

¹ www.fao.org/3/a-a1250r.pdf

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги ПФ-4947-сонли Фармони

тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда соҳани янада ривожлантиришнинг устувор вазифалари белгиланган бўлиб, бу вазифаларни бажаришда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устивор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг V. - «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» мавзусидаги устивор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Қора рангли қоракўл қўйларининг ирсий хусусиятлари кўпчилик тадқиқотчилар, жумладан, И.Н.Дьячков, М.А.Кошевой, Р.Г.Валиев, Б.Л.Исаянц, А.Газиёв ва бошқаларнинг тадқиқотларида ўрганилган бўлиб, уларда муҳим селекцион белгиларнинг наслга берилиш, намоён бўлиш, ирсийланиш, ўзаро боғлиқлик даражалари аниқланган.

Маълум тадқиқотчилар томонидан алоҳида белгиларнинг селекцион аҳамиятини аниқлаш йўналишида тадқиқотлар олиб борилган. Б.Л.Исаянц томонидан жун-тола узунлиги, М.А.Кошевой, С.Абдурахмонов, Ж.Раимов томонидан серпуштли хусусиятлари, Р.Матякубов томонидан гулларнинг узунлигига таъсир этувчи омиллар атрофлича ўрганилган.

Шу билан бир қаторда таъкидлаш лозимки, қўйлар салоҳиятининг ёппа ва мақсадли селекциялаш шароитида намоён бўлиш хусусиятларини ўрганиш бўйича тадқиқотлар салмоғи ўта камлиги сабабли бундай тадқиқотларни бажариш ҳозирги куннинг долзарб муаммолари қаторига киради.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши бўйича тадқиқотлар Қоракўлчилик ва чўл экологиси илмий-тадқиқот институти тематик режасининг ҚХА-6-014-«Қоракўл қўйлари ирсий асосланган белгиларининг намоён бўлиш хусусиятларини аниқлаш асосида уларнинг генетик салоҳиятидан максимал фойдаланишнинг самарали усулларини ишлаб чиқиш» мавзусидаги амалий тадқиқот лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади. Жанубий-Ғарбий Қизилқум шароитида қора рангли қоракўл қўйларини турли селекциялаш шароитида (ёппасига, мақсадли) муҳим селекцион белгиларнинг намоён бўлиш хусусиятларини ўрганиш ҳамда шу асосда уларнинг ирсиятини мустаҳкамлаш, салоҳиятидан унумли фойдаланиш йўллари аниқлаш тадқиқот мақсади ҳисобланади.

Тадқиқотнинг вазифалари:

муҳим селекцион белгиларнинг намоён бўлиш даражалари ва уларнинг генетик параметрларини қўйларни ёппасига селекциялаш шароитида ўрганиш;

қўйларни мақсадли селекциялаш шароитида муҳим селекцион белгиларнинг намоён бўлиш даражаларини ўрганиш;

тадқиқот натижалари бўйича қўйлар салоҳиятидан унумли фойдаланиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

тадқиқотнинг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш.

Тадқиқот объекти. Қора рангли қоракўл қўйлари, улардан олинган авлодлар ва қоракўл терилари тадқиқот объекти сифатида танланган.

Тадқиқотнинг предмети. Турли селекциялаш шароитида қора рангли қоракўл қўйлари авлодларида муҳим селекцион белгиларнинг намоён бўлиш хусусиятларини ўрганиш ва қўйларнинг ирсий салоҳиятидан тўлароқ фойдаланиш йўллари аниқлаш тадқиқот предмети ҳисобланади.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқотни бажаришда зоотехник, селекцион, статистик усуллардан фойдаланилган. Барра тери хусусиятларини баҳолаш «Қоракўлчиликда наслчилик ишларини юритиш ва қўзиларни баҳолаш (бонитировка қилиш) бўйича қўлланма» (С.Ю.Юсупов ва бошқалар, 2015) асосида амалга оширилган. Олинган маълумотларга вариацион статистика усулларида статистик ишлов берилган (Н.А.Плохинский «Руководство по биометрии для зоотехников», 1969).

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

- илк бор Жанубий-Ғарбий Қизилқум шароитида урчитилувчи қора рангли қоракўл қўйлари ёппа селекциялашда авлодларда селекцион белгиларнинг намоён бўлиш даражалари ва чегаралари аниқланган;

- илк бор қўйларни мақсадли селекциялаш шароитида селекцион белгиларнинг намоён бўлишини кучайтириш йўллари аниқланган;

- турли селекциялаш шароитида қоракўл терилари кўрсаткичларини баҳолаш асосида уларнинг сифатини яхшилаш ва экспортбоплигини оширишнинг селекцион йўналишлари аниқланган;

- тадқиқот натижалари асосида қўйлар ирсиятидан самарали фойдаланиш бўйича илмий-амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

қора рангли қоракўл қўйлари селекцион белгиларининг Жанубий-Ғарбий Қизилқум шароитида намоён бўлишига ёппа ва мақсадли селекциялаш усуллари таъсир доиралари аниқланган;

мақсадли селекциялашнинг муҳим гул, жун-тола сифати кўрсаткичларининг намоён бўлишига сезиларли ижобий таъсир кўрсатиши аниқланган;

мақсадли селекциялаш шароитида қоракўл терилари сифат кўрсаткичларининг яхшиланиши қайд этилган;

турли селекциялаш шароитида муҳим белгилар ирсий параметрлари ва ўзгарувчанлик хусусиятлари аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.

Диссертация тадқиқоти натижаларининг ишончлилиги уни бажаришда илғор селекция усулларида фойдаланилганлиги, Қоракўлчилик ва чўл экологияси илмий-тадқиқот институти, Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат таъминоти илмий-ишлаб чиқариш маркази ҳамда ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш Давлат қўмитаси апробация комиссиялари томонидан ижобий баҳоланганлиги, маълумотларга вариацион статистика усулларида ишлов берилганлиги, ишонччилик критерийларининг аниқланганлиги, натижаларнинг жорий этилганлиги, жорий этиш тадбирларининг далолатномалар билан асосланганлиги, шунингдек

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси томонидан тавсия этилган илмий нашрларда илмий мақолалар чоп этилганлиги натижаларнинг ишончлилигини кўрсатади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, қумли чўл шароитида қўйларни турли селекциялашнинг авлодларда муҳим селекцион белгиларнинг намоён бўлишига таъсир этиш доиралари илмий жиҳатдан асосланган. Бундай ҳолатда кузатилган натижалар белгиларнинг корреляцион боғлиқлиги ва ирсийланиши каби генетик параметрларини аниқлаш орқали асосланган.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, олинган натижаларни амалиётда қўллаш белгилар намоёнланишини олдиндан башорат қилиш, селекция жараёнини маълум мақсадга йўналтириш имконини беради.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Жанубий-Ғарбий Қизилқум шароитида қора рангли қоракўл қўйларини турли селекциялашда белгиларнинг намоён бўлиш хусусиятларини ўрганиш йўналишида олиб борилган тадқиқот натижалари асосида:

қоракўл қўйларининг гул хусусиятларини мақсадли селекциялаш асосида яхшилаш усули Бухоро вилоятининг «Жонгелди қоракўлчилик» МЧЖда жорий этилган (Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш Давлат қўмитасининг 2020 йил 20 июлдаги № 02/23-272-сонли маълумотномаси). Натижада 1 дона қоракўл терисини сотиш баҳоси ёппа селекциялашдагига нисбатан 11400 сўмга юқори бўлиб, рентабеллик даражаси 63,9 фоизни ташкил этган;

қоракўл қўйларининг жун-тола сифатини мақсадли селекциялаш асосида яхшилаш усули Бухоро вилоятининг «Қоровулбозор қоракўлчилик» МЧЖда жорий этилган (Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш Давлат қўмитасининг 2020 йил 20 июлдаги № 02/23-272-сонли маълумотномаси). Натижада 1 дона қоракўл терисини сотиш баҳоси ёппа селекциялашдагига нисбатан 9700 сўмга юқори бўлиб, рентабеллик даражаси 62,1 фоизни ташкил этган;

қоракўл қўйларини селекциялашни белгиларнинг генетик параметрлари асосида олиб бориш усули Бухоро вилоятининг «Олот қоракўлчилик» МЧЖда жорий этилган (Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш Давлат қўмитасининг 2020 йил 20 июлдаги № 02/23-272-сонли маълумотномаси). Натижада юқори синфли авлодлар чиқими 12-15 фоизга, юқори навли қоракўл териларининг салмоғи 8-13 фоизга кўпайиб, 1 дона қоракўл териси сотиш баҳосининг 8300 сўмга ортиши ҳисобига рентабеллик даражаси 59,0 фоизни ташкил этган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқотларни олиб бориш жараёнида олинган натижалар Бухоро вилояти «Жонгелди» МЧЖнинг ишлаб чиқариш йиғилишларида (2014-2015 йиллар), Қишлоқ хўжалиги илмий-ишлаб чиқариш маркази апробациясида (2013-2015 йиллар), халқаро ва республика илмий-амалий конференцияларида, Қоракўлчилик ва чўл

экологияси илмий-тадқиқот институти илмий кенгаши мажлисларида (2013-2020 йиллар) муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 10 та, жумладан республика ва халқаро илмий-амалий конференция материаллари тўпламида 5 та, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестацияси комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та, шундан хорижий нашрларда 2 та илмий мақолалар чоп этилган.

Диссертация ишининг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, тўртта боб, хулоса ва тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 117 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ.

Кириш қисмида бажарилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, унинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари тараққиётининг устивор йўналишларига мувофиқлиги баён этилган, тақиқотнинг илмий янгилиги ва амалий аҳамияти, олинган натижаларни амалиётга жорий этиш, нашр этилган ишлар, диссертация ишининг тузилиши ва ҳажми ҳақида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Адабиётлар шарҳи**» деб номланган биринчи бобида қорақўл қўйлари селекцион белгиларининг авлодларда намоён бўлиши, ирсийланиши, корреляцион боғлиқлиги, уларнинг селекцион аҳамияти, турли селекцион усуллардан фойдаланиш йўналишларида олимлар томонидан олиб борилган тадқиқотларнинг натижалари ва улар асосида эришилган натижаларни қўллаш самарадорлигини кўрсатувчи илмий адабиётлар таҳлилланган, умумлаштирилган ва хулосалар қилинган.

Диссертациянинг «**Тадқиқотни бажариш шароити, материали ва услублари**» деб номланган иккинчи бобида тадқиқот манзили, бажариш шароити, манбаи ва усуллари баён этилган.

Тадқиқотлар 2012-2014 йилларда Бухоро вилояти Пешку тумани «Жонгелди» наслчилик ширкат хўжалигида урчитилувчи қора рангли қорақўл қўйларида бажарилган. Тадқиқотларни бажариш учун қўйларнинг тажриба гуруҳлари шакллантирилган, улардан олинган авлодларда гул ва жун-тола сифати кўрсаткичлари бўйича баҳолаш, уларнинг наслига берилиш, ирсийланиш, ўзаро корреляцион боғлиқлик даражаларини аниқлаш, олинган малумотларга вариацион статистика усулларида ишлов бериш услублари баён этилган.

Диссертациянинг «**Ёппасига селекциялаш шароитида белгиларнинг намоён бўлиши**» деб номланган учинчи бобида ушбу шароитда муҳим селекцион белгиларнинг авлодларда намоён бўлиш хусусиятлари ёритилган.

Авлодларнинг гул типлари. Ушбу кўрсаткич қўйларнинг қимматлилигини кўрсатувчи белги ҳисобланади. Тадқиқотларда қўйлардан олинган авлодларнинг гул типларига тақсимланиши ўрганилди (1-жадвал).

Авлодларнинг гул типларига тақсимланиши

Қўйларнинг гул типлари	Қўйлар сони, бош	Олинган кўзилар, бош	Олинган кўзиларнинг гул типлари, % ($\bar{X} \pm S\bar{x}$)		
			Ярим доира қалам гул	Қовурғасимон	Ясси
Ярим доира қалам гул	140	117	46,1±4,61	20,5±3,73 ^{x)}	16,7±3,68 ^{x)}
Қовурғасимон	85	73	21,2±4,78 ^{x)}	47,1±5,84	16,9±4,39 ^{x)}
Ясси	80	64	22,6±5,23 ^{x)}	18,7±4,87 ^{x)}	43,7±6,20
Ўсикгул	68	56	36,8±6,44 ^{x)}	10,3±4,06 ^{x)}	22,0±5,54 ^{x)}
Ўртача мувозанатлашган кўрсаткич	373	310	33,8±2,69 ^{x)}	24,4±2,44 ^{x)}	23,3±2,40 ^{x)}

x-P<0,05; x)-P<0,001

Олинган натижалар кўрсатадики, популяция миқёсида ёппасига селекция ишларини олиб бориш авлодларда гул типларининг ўртача кўринишда намоён бўлишини таъминлайди. Бунда ўртача мувозанатлашган ҳолатда ярим доира қаламгул типли авлодлар салмоғи 33,8±2,69 фоизни, қовурғасимон типли авлодлар салмоғи 24,4±2,44 фоизни, ясси типли авлодлар салмоғи 23,4±2,40 фоизни ва ўсикгул типли авлодлар салмоғи 18,5±2,20 фоизни ташкил этганлигини кўриш мумкин.

Жадвал маълумотларини қўйлар гул типлари бўйича олинган авлодларга қараб баҳолашда бошқачароқ ҳолатни кузатиш мумкин. Ярим доира қаламгул типли қўйлар авлодларида шу типга хос қўйлар салмоғи 46,1±4,61 фоизни ташкил этса, қовурғасимон типли қўйлар авлодларининг 47,1±5,84 фоизи қовурғасимон, ясси типли қўйлар авлодларининг 43,7 фоизи ясси типга мансуб бўлиши кузатилди, бу маълум типли қўйлар ирсиятининг шу хусусият бўйича мустаҳкамлигини кўрсатади. Лекин бу мустаҳкамлик ёппасига селекциялаш шароитида етарли даражада намоён бўла олмайди ва қўйлар салоҳиятининг гул типлари бўйича 43,7-47,1 фоизини юзага чиқара олади.

Гул узунлиги. Тадқиқот натижалари ёппасига селекциялаш шароитида қўйлар авлодларида гулларнинг узунлиги бўйича ҳам мавжуд салоҳиятнинг тўлиғича фойдаланилмаслигини кўрсатди. Унинг ўртача мувозанатлашган катталиги 27,5±0,29 мм ни ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич ярим доира қаламгул типли қўйлар авлодларида 28,9±0,29 мм ни, қовурғасимон типли қўйлар авлодларида 32,6±0,32 мм ни, ясси типли қўйлар авлодларида 31,1±0,37 мм ни, ўсикгул типли қўйлар авлодларида эса 14,3±0,6 мм ни ташкил этиши кузатилди.

Қайд этилган натижаларга кўра қовурғасимон, ясси ва типли қўйлар

билан ўсикгул типли кўйлар орасидаги ўртача мувозанатлашган кўрсаткичлар орасидаги фарқ статистик жиҳатдан ишончли ($P < 0,001$).

Гул мустаҳкамлиги. Тадқиқотларда қайд этилган натижалар гул мустаҳкамлиги бўйича зот салоҳиятининг мавжуд имкониятларидан фойдаланиш даражасининг етарли эмаслигини, натижалар ўртача мувозанатлашган ҳолда ўта мустаҳкам гуллар бўйича $11,9 \pm 1,84$ %, мустаҳкам гуллар бўйича $36,7 \pm 2,74$ %, мустаҳкамлиги етарсиз гуллар бўйича $33,5 \pm 2,68$ %, бўш гуллар бўйича эса $17,9 \pm 2,18$ % даражасида фойдаланилишини кўрсатди, яъни селекция жараёнини ўз оқимида ёппасига юритишда белгиларининг юқори даражада намоён бўлишининг сусайиши юз бериб, етарсиз мустаҳкам ва бўш гулларга эга бўлган авлодлар салмоғининг ортиб бориши кузатилди.

Жун толаларининг ипаксимонлиги. Муҳим селекцион белги қаторида селекция жараёнида инобатга олинади. Юқорида қайд этилганидек, ушбу кўрсаткич гул сифатига кўп томонлама таъсир кўрсатади. Жун толаларининг ўта кучли ипаксимон бўлиши гулларнинг бироз бўшашишига, дағал бўлиши эса гулларнинг сифатига, улар кенглигининг ортиб кетишига олиб келиши мумкин.

Тадқиқотлар натижалари кўрсатадики, ушбу кўрсаткич қўзиларнинг гул типларига боғлиқ ҳолда маълум ўзгарувчанликка эга бўлади (2-жадвал).

2-жадвал

Авлодларнинг жун-тола қоплами ипаксимонлиги

Кўйларнинг гул типлари	Кўйлар сони, бош	Олинган кўзилар, бош	Ипаксимонлик, % ($\bar{X} \pm S\bar{X}$)		
			кучли	Меъёрли	етарсиз
Ярим доира қалам гул	140	117	$21,4 \pm 3,79$	$41,9 \pm 3,73$	$23,9 \pm 3,94$
Қовурғасимон	85	73	$20,5 \pm 4,72$	$41,1 \pm 5,76$	$23,3 \pm 4,95$
Ясси	80	64	$32,8 \pm 5,87$	$40,6 \pm 6,14$	$17,2 \pm 4,72$
Ўсикгул	68	56	$7,1 \pm 3,43^x$	$37,5 \pm 6,47$	$34,0 \pm 6,33$
Ўртача мувозанатлашган кўрсаткич	373	310	$21,0 \pm 2,31$	$40,6 \pm 2,79$	$24,2 \pm 2,43$


$x - P < 0,005$

Жадвал маълумотлари таҳлилидан таъкидлаш мумкинки, барча типли кўйлардан олинган авлодларда жун-толаларининг меъёрли ипаксимонлиги деярли бир хил даражада намоён бўлади ва бу зот имкониятининг ўртача кўрсаткичи ҳисобланади (37,5-41,9%). Ипаксимонликнинг кучли ифодаланишида сезиларли фарқланишларни кузатиш мумкин. Ушбу ҳолатда бу хусусият ясси гулли кўйлар авлодларида юқорироқ ($32,8 \pm 5,87$ %), ўсикгул типдаги кўйлар авлодларида паст ($7,1 \pm 3,43$ %) даражада намоён бўлиб, ярим доира қаламгул ва қовурғасимон типларидаги кўйлар авлодларининг кўрсаткичлари (20,5-21,4 %) оралик ҳолатни эгаллайди.

Белгиларнинг генетик параметрлари. Ирсийлик коэффициенти асосий генетик-статистик кўрсаткич бўлиб, ундан белгининг

Ўзгарувчанлигида генотипик ўзгарувчанликнинг улушини, яъни генотипнинг таъсирини аниқлашда фойдаланилади.

Ушбу ҳолатни эътиборга олган ҳолда тадқиқотлар жараёнида ёппа селекциялаш шароитида муҳим селекцион белгиларнинг ирсийлик коэффициентлари ўрганилди. Маълумотлар 1-расмда келтирилган.



1-расм. Белгиларнинг ирсийлик коэффициентлари.

Маълумотлардан кўриш мумкинки, муҳим селекцион белгиларнинг ирсийланиш даражалари кўйларнинг гул типларига боғлиқ ҳолда маълум даражада фарқланишларга эга.

Таъкидлаш лозимки, белгилар бўйича ирсийлик коэффициентларининг бундай фарқланишлари ва етарли даражадаги юқори кўрсаткичлари кўйларнинг ёппа селекциялаш шароитида ўхшашлик ёки бир хиллигининг пастлиги ва маълум даражада гетерозиготлигини кўрсатади.

Диссертациянинг «**Мақсадли селекциялаш шароитида белгиларнинг намоён бўлиши**» номли тўртинчи бобида ушбу шароитда белгиларнинг намоён бўлиш даражаларини ошириш имкониятлари тўғрисида фикр юритилган.

Авлодларнинг гул типлари. Ушбу белгининг шаклланиши кўзи териси сатҳида маълум типга хос бўлган гулларнинг мавжудлиги билан белгиланади ва ташқи омиллар таъсирида ўзгариб турадиган ирсий хусусият ҳисобланади.

Ушбу белгини ўрганиш бўйича натижалар қимматли гул типларининг чиқими бўйича кўйларни ёппасига селекциялаш шароитидагига нисбатан сезиларли юқори кўрсаткичларга эришиш мумкинлигини кўрсатди (3-жадвал).

3-жадвал

Авлодларда гул типларининг намоён бўлиш даражалари

Жуфтлаш вариантлари		Кўйлар сони, бош	Олинган кўзилар, бош	Авлодларнинг гул типи, % ($\bar{X} \pm S\bar{X}$)		
♂	♀			Ярим доира қаламгул	Қовурғасимон	Ясси
Ярим доира қалам гул	Ярим доира қалам гул	230	172	63,4±3,67	19,2±3,00	9,8±2,27
Қовурғасимон	Қовурғасимон	168	139	18,7±3,31	71,9±3,81	5,1±1,87
Ясси	Ясси	150	114	23,7±3,98	8,7±2,64	62,3±4,54
Қовурғасимон	Ўсикгул	110	83	25,3±4,77	31,3±5,09	21,7±4,52

Агар ёппасига селекциялаш шароитида ярим доира қаламгул типигаги авлодлар чиқими $46,1 \pm 4,61$ фоизни ташкил этган бўлса, мақсадли селекциялашда $63,4 \pm 3,67$ фоизни ($P < 0,001$), жун-толалари пигментацияси ҳисобга олиш шароитида эса $67,4 \pm 4,08$ фоизни ($P < 0,001$) ташкил этиши қайд этилди.

Гул узунлиги. Гулларнинг узун бўлиши кўйлар ва қоракўл маҳсулотининг қимматлилигини оширади. Бажарилган тадқиқотлар натижалари (4-жадвал) ушбу кўрсаткичнинг энг юқори даражада намоён бўлиши кўйларни «қовурғасимон х қовурғасимон» ва «ясси х ясси» жуфтлаш вариантларида кузатилди.

4-жадвал

Авлодларда гулларнинг узунлиги

Жуфтлаш вариантлари		Олинган кўзилар, бош	Гуллар узунлиги, мм,			
♂	♀		$(\bar{X} \pm S\bar{X})$	C_v	Жун-тола пигментацияси кучайганда	
					$(\bar{X} \pm S\bar{X})$	C_v
Ярим доира қалам гул	Ярим доира қалам гул	172	$41,3 \pm 0,33^x$	10,48	$43,4 \pm 0,34^x$	10,27
Қовурғасимон	Қовурғасимон	139	$79,6 \pm 0,74^x$	10,96	$84,6 \pm 0,79^x$	12,25
Ясси	Ясси	114	$63,8 \pm 0,02^x$	10,38	$67,6 \pm 0,60^x$	9,48
Қовурғасимон	Ўсикгул	83	$16,2 \pm 0,20$	11,25	$18,3 \pm 0,22$	10,95

$x - P < 0,05$; $x) - P < 0,001$

Бу жуфтлаш вариантларида авлодларнинг гул узунлиги мутаносиб равишда $79,6 \pm 0,74$ ва $63,8 \pm 0,02$ миллиметрни, энг паст кўрсаткич «қовурғасимон х ўсикгул» вариантыда ($16,2 \pm 0,20$ мм) кузатилиб, «ярим доира қалам гул х ярим доира қалам гул» жуфтлаш вариантыда олинган авлодлар кўрсаткичи оралиқ ҳолатни эгаллаши ($41,3 \pm 0,33$ мм) қайд этилди.

Гул мустаҳкамлиги. Гул мустаҳкамлигининг қўйлар билан мақсадли селекция ишларини олиб боришда, авлодларда намоён бўлиш хусусиятларини ўрганиш йўналишида изланишлар олиб борилди. Олинган маълумотлар 5-жадвалда умумлаштирилган.

5-жадвал

Авлодларнинг гулларнинг мустаҳкамлиги бўйича тақсимланиши

Жуфтлаш вариантлари		Кўйлар сони, бош	Олинган кўзилар, бош	Авлодларда гул мустаҳкамлиги, % ($\bar{X} \pm S\bar{x}$)		
♂	♀			Ўта мустаҳкам	Мустаҳкам	Етарсиз
Ярим доира қалам гул	Ярим доира қалам гул	230	172	$31,4 \pm 3,54^x$	$52,9 \pm 3,81^x$	$9,3 \pm 2,21^x$
Қовурғасимон	Қовурғасимон	168	139	$44,6 \pm 4,22^x$	$44,6 \pm 4,22$	$6,5 \pm 2,09^x$
Ясси	Ясси	150	114	$36,0 \pm 4,50^x$	$48,1 \pm 4,68$	$8,9 \pm 2,67^x$
Қовурғасимон	Ўсикгул	110	83	$10,8 \pm 3,40$	$31,4 \pm 5,09$	$38,5 \pm 5,34$

$x - P < 0,05$; $x) - P < 0,001$

Жадвал маълумотларидан кўриш мумкинки, қўйларни мақсадли селекциялашда ёппа селекциялашга нисбатан авлодлар териси сатҳида ўта мустаҳкам гуллар салмоғининг, жуфтлаш вариантларига боғлиқ ҳолда, сезиларли ортиб, етарсиз мустаҳкамликдаги ва бўш гуллар салмоғининг сезиларли даражада камайиши кузатилди.

Қўйларни биринчи учта жуфтлаш вариантларда ўта мустаҳкам ва мустаҳкам гуллар салмоғининг $84,3-89,2$ фоизга етиш ҳолати кузатилган бўлса, жун-тола қоплами пигментациянинг кучайиши шароитида ушбу кўрсаткични $93,5 \pm 2,09$ фоизгача етказиш имконияти мавжудлиги аниқландики, буни селекция жараёнида инобатга олиш зарур.

Жун толаларининг ипаксимонлиги ва ялтироқлиги. Ушбу йўналишда олиб борилган тадқиқотлардан олинган маълумотлар жун толалари ипаксимонлиги ва ялтироқлигининг қўйларни мақсадли селекциялаш шароитида юқори даражада намоён бўлишини кўрсатди. Ушбу ҳолатда ҳар иккала кўрсаткичнинг намоён бўлишида деярли бир хил, ўхшаш қонуният кузатиладики, бу уларнинг кучли даражада бир-бири билан боғлиқлигини билдиради.

Маълумотларни таҳлил қилишдан кўринадики, агар авлодларда кучли ипаксимонлик биринчи уч хил жуфтлаш вариантларида $26,1-36,8$ фоиз

даражасида, меъёрли ипаксимонлик 50,9-59,9 фоиз даражасида намоён бўлса, кучли ялтироқлик бўйича мутаносиб равишда 24,5-30,7 ва 53,5-60,5 фоиз натижалар қайд этилди.


Таъкидлаш лозимки, мақсадли селекциялаш жараёнида мақсадга мувофиқ бўлмаган ипаксимонлик ва ялтироқликка эга бўлган авлодлар салмоғи сезиларли камаяди.

Ушбу кўрсаткичларни жун-тола қопламанинг пигментланиш даражасига боғлиқ ҳолда ўрганиш авлодларда кучли ва меъёрли ипаксимонлик ва ялтироқлик хусусиятларининг маълум даражада (3-5%) ортиб боришини кўрсатди.

Мақсадли селекциялашнинг самарадорлигини ушбу шароитда олинган авлодлар жун-тола сифатининг ёппа селекциялаш шароитидагига нисбатан сезиларли яхшиланишида ҳам кўриш мумкин. Бунда авлодларнинг кучли ипаксимонлик ва ялтироқлик кўрсаткичлари бўйича устунлиги мутаносиб равишда 14,3-21,3 ва 9,3-15,1 фоизни ташкил этиши аниқланди.

Белгиларнинг ирсийланиши. Мақсадли селекциялаш шароитида авлодлар белгиларининг ирсийланиш даражалари ўрганилди. Маълумотлар 2-расмда умумлаштирилган.

Ирсийланиш даражасининг катта-кичиклиги белгининг генотипик ўзгарувчанлигини белгилайди. Бу борада олиб борилган тадқиқот натижалари кўрсатадики, мақсадли селекциялаш шароитида ҳам селекцион белгиларнинг намоён бўлишида ота-оналарнинг таъсир кучи етарли даражага эга. Лекин бу кўрсаткич ота-оналарни жуфтлаш вариантларига қараб маълум даражадаги ўзгарувчанлиги билан фарқланади. Агар гул типи ва шакллариининг ирсийлик коэффициенти (h^2) жуфтлаш вариантлари бўйича 0,40-0,48 ни ташкил этган бўлса, юқорироқ кўрсаткич қовурғасимон ($h^2=0,47$) ва ясси ($h^2=0,48$) типли кўйларни гомоген жуфтлаш вариантларида қайд этилди.



2-расм. Селекцион белгиларнинг ирсийланиши (h^2)

Гулларнинг узунлиги бўйича юқори ирсийлик коэффицентлари ярим доира қаламгул ва ясси типли кўйларни жуфтлаш вариантларида кузатилди. Гулларнинг узунлиги бўйича юқори ирсийлик коэффицентлари (h^2 мутаносиб равишда 0,52 ва 0,56) кузатилган бўлса, бу кўрсаткичнинг «қовурғасимон х қовурғасимон» вариантыда 0,49, «қовурғасимон х ўсикгул» вариантыда эса 0,34 ни ташкил этиши аниқланди. Гулларнинг мустаҳкамлиги бўйича энг юқори ирсийлик коэффицентлари «ярим доира қаламгул х ярим доира қаламгул», эни ва жойлашиш расми бўйича «қовурғасимон х қовурғасимон», жун-тола узунлиги ипаксимонлиги ва ялтироқлиги бўйича «қовурғасимон х ўсикгул», пигментацияси бўйича «ясси х ясси» вариантли жуфтлашда қайд этилиб, қолган вариантли жуфтлашда кўрсаткичларнинг бироз пастроқ бўлиши кузатилди.

Таъкидлаш лозимки, қайд этилган селекцион белгилар бўйича ирсийлик коэффицентларининг юқорироқ бўлиши уларга генотип таъсирининг кучлироқлигидан, улар ўзгарувчанлигининг юқорироқлигидан ва селекция учун имкониятларнинг кенгроқлигидан далолат беради.

Авлодларнинг синфи. Олинган маълумотларни умумлаштириб баҳолаш асосида авлодларнинг синфларга тақсимланиши ўрганилди. Бунда авлодларда муҳим селекцион белгиларнинг намоён бўлиш даражаларига қараб уларнинг у ёки бу синфга мансублиги аниқланди. Натижалар 6-жадвалда келтирилган.

6-жадвал

Авлодларнинг синфларга тақсимланиши

Жуфтлаш вариантлари		Кўйлар сони бош	Олинган кўзилар, бош	Авлодлар синфи, % ($\bar{X} \pm S\bar{X}$)			
♂	♀			элита	I-синф	II-синф	Яроқсиз
Ярим доира қалам гул	Ярим доира қалам гул	230	172	22,1±3,16	63,4±3,67 ^x	12,8±2,55 ^{x)}	1,7±0,99 ^x
Қовурғасимон	Қовурғасимон	168	139	23,7±3,61	62,6±4,10 ^x	11,5±2,71 ^{x)}	2,2±1,24
Ясси	Ясси	150	114	21,9±3,87	60,5±4,58 ^x	13,2±3,17 ^x	4,4±1,92
Қовурғасимон	Ўсикгул	110	83	10,8±3,41	43,5±5,44	36,1±5,27	9,6±3,23

x – P < 0,05; x) – P < 0,001

Жадвал маълумотлари кўрсатадики, мақсадли селекциялаш шароитида ёппа селекциялаш шароитига нисбатан авлодларда муҳим селекцион белгиларнинг юқори даражада намоён бўлиши ҳисобига улар синфлилик

даражалари ҳам сезиларли яхшиланади.

Таъкидлаш лозимки, қўйларни мақсадли селекциялаш улар наслининг яхшиланиб, юқори синфлилик даражасининг ортишини таъминлайдики, бундан селекция самарадорлигини оширишда ҳамда маҳсулот сифатини яхшилашда фойдаланиш лозим.

Тадқиқотлар натижаларини иқтисодий баҳолаш. Олиб борилган тадқиқот натижаларини иқтисодий жиҳатдан баҳолаш селекция йўналишларининг самарадорлигини аниқлашда муҳим омил ҳисобланади.

Тадқиқот натижаларини иқтисодий баҳолаш натижалари (7-жадвал) кўрсатадики, қўйларни мақсадли селекциялашда иқтисодий кўрсаткичларнинг ёппа селекциялашдагига нисбатан кескин кўтарилиши кузатилади.

7-жадвал

**Тадқиқот натижаларини иқтисодий баҳолаш
(2014 йил баҳоларида, минг сўм)**

№	Кўрсаткичлар	Ёппа селекциялашда	Мақсадли селекциялашда			
			Ярим доира қаламгул х Ярим доира қаламгул	Қовурғасимон х Қовурғасимон	Ясси х ясси	Қовурғасимон х ўсикгул
1	Жами олинган қоракўл терилари, дона	180	50	50	50	50
2	Шундан I-навли терилар, %	77,2	92,0	92,0	91,0	76,0
3	Бир дона қоракўл тери таннархи	19	19	19	19	19
4	Бир дона қоракўл терисини сотиш баҳоси	25	31	32,5	32	25
5	Жами таннарх	34200	950	950	950	950
6	Жами олинган даромад	4500	1565,5	1625	1600	1250
7	Фойда (+), зарар (-)	+1080	+615,5	+675	+650	+300
8	Рентабеллик, %	31,6	63,7	71,1	68,4	31,5

Бунда қўйларни жуфтлаш вариантларига боғлиқ ҳолда бир дона қоракўл териларининг сотиш баҳоси 7500 сўмгача кўпайиши қайд этилди. Шунга мос равишда агар ёппа селекциялашда рентабеллик даражаси 31,6 фоизни ташкил этган бўлса, ярим доира, қовурғасимон ва ясси типлардаги қўйларни гомоген жуфтлашда ушбу кўрсаткичнинг мутаносиб равишда 63,7; 71,1 ва 68,4 фоизни ташкил этгани аниқландики, бу мақсадли селекциялашнинг сезиларли афзалликларини кўрсатади.

ХУЛОСАЛАР

Қўйларнинг муҳим селекцион белгиларининг намоён бўлиш хусусиятларини ўрганиш йўналишида олиб борилган тадқиқотлар натижаларини умумлаштириш асосида қуйидаги хулосаларни қилиш мумкин.

1. Ёппа селекциялаш шароитида авлодларда муҳим селекцион белгиларнинг намоён бўлиш даражаси қўйлар ирсий салоҳиятини тўлиқ намоён қила олмайди ва ушбу салоҳиятнинг маълум қисми фойдаланилмай қолади.

2. Гул кўрсаткичларининг намоён бўлиш даражалари ёппа селекциялашда ўрта кўрсаткичларга эга бўлиб, уларнинг катталиклари қўйларнинг гул типларига боғлиқ ҳолда маълум фарқланишлар билан характерланади:

- авлодлар гул типларининг намоён бўлиши ўртача мувозанатлашган ҳолатда $33,8 \pm 2,69$ % ярим доира қаламгул, $24,4 \pm 2,44$ % қовурғасимон, $23,3 \pm 2,40$ % ясси, $18,5 \pm 2,20$ % ўсикгул типига тақсимланади. Типлар бўйича эса ярим доира қаламгул типли қўйлар авлодларининг $46,1 \pm 4,61$ фоизи, қовурғасимон типли қўйлар авлодларининг $47,1 \pm 5,84$ фоизи, ясси типли қўйлар авлодларининг $43,7 \pm 6,20$ фоизи оналар типига хос гул типларига эга бўлади;

- авлодлар териси сатҳида қимматли гулларнинг ўртача мувозанатлашган ҳолда $65,0$ фоиз, ярим доира қаламгул типли қўйлар авлодларида $63,9$ фоиз, қовурғасимон типли қўйлар авлодлари $87,5$ фоиз, ясси типли қўйлар авлодларида $86,4$ фоиз, ўсикгул типли авлодларда $17,7$ фоиз даражаларида намоён бўлиши кузатилди;

3. Жун толаларининг сифатини белгиловчи ипаксимонлик ва ялтироқлилик кўрсаткичларининг намоён бўлишида маълум захираларнинг фойдаланилмай қолиши аниқланди. Ушбу ҳолатда кучли ва меъёрли ипаксимонликнинг авлодларнинг, қўйларнинг гул типлари бўйича, $44,6-73,4$ фоизида, кучли ва меъёрли ялтироқлик бўйича $41,1-76,6$ фоизида, ўртача мувозанатлашган ҳолда мутаносиб равишда $61,6$ ва $62,6$ фоизида намоён бўлиши қайд этилиб, қолган қисмининг захирада қолиши қайд этилди.

4. Жун толаларининг узунлиги маълум даражада юқори бўлиб, унинг катталиги қўзининг асосий қисми ҳисобланган сағрисида ўртача мувозанатлашган ҳолда $9,93 \pm 0,12$ миллиметрни, ярим доира қаламгул типли қўйлар авлодларида $9,84 \pm 0,09$, қовурғасимон типли қўйлар авлодларида $9,22 \pm 0,12$ ($P < 0,001$), ясси типли қўйлар авлодларида $9,34 \pm 0,12$ ($P < 0,001$), ўсикгул типли қўйлар авлодларида эса $11,72 \pm 0,16$ ($P < 0,001$) миллиметрни, ташкил этиши аниқланди.

5. Белгиларнинг генетик параметрларини ўрганиш ирсийлик ва корреляцион боғлиқлик бўйича қўйларнинг гул типлари миқёсида етарли даражадаги катталиклар ва маълум даражадаги фарқланишларнинг мавжудлигини кўрсатди. Бундай ҳолат ёппа селекциялаш шароитида

олинадиган авлодлар белгиларининг сезиларли ўзгарувчанликка эгаллигини кўрсатади.

6. Мақсадли селекциялашда авлодларда қимматли гул типига мансуб кўзилар чиқимининг сезиларли ортиши кузатилди. Ярим доира қаламгул, қовурғасимон, ясси типли кўйларни гомоген жуфтлашда шу типларга мансуб авлодлар чиқими сезиларли даражада кўпайиб, ярим доира қаламгул типи бўйича $63,4 \pm 3,67$ фоизни, қовурғасимон типи бўйича $71,9 \pm 3,81$ фоизни, ясси типи бўйича $62,3 \pm 4,54$ фоизни ташкил этиши қайд этилди. Қайд этилган натижалар ёппа селекциялашда олинган натижаларга нисбатан статистик жиҳатдан ишончли устунликка эга ($P < 0.001$).

7. Кўйларни «қовурғасимон х қовурғасимон» ва «ясси х ясси» вариантларида гомоген жуфтлашда авлодлар орасида узун гулли кўзилар салмоғининг (мутаносиб равишда $57,6 \pm 4,19$ ва $45,6 \pm 4,66$ %) сезиларли кўпайишини таъминлайди. Бу кўрсаткич «ярим доира қаламгул х ярим доира қаламгул» жуфтлаш вариантыда $36,6 \pm 3,67$ фоизни ташкил этиши аниқланди. Зотга хос бўлган ва қимматли ҳисобланган ўрта гуллилик «ярим доира қаламгул х ярим доира қаламгул» вариантыда кўйларни жуфтлашда юқорироқ даражада намоён бўлади ($75,0 \pm 3,30$ %), қолган 3 вариант жуфтлашда маълум даражада ($6,0-9,0$ %) ўртагулли авлодлар чиқими камаяди.

8. Кўйларни мақсадли селекциялашда ёппа селекциялашга нисбатан авлодлар териси сатҳида ўта мустаҳкам гуллар салмоғининг, жуфтлаш вариантларига боғлиқ ҳолда, сезиларли ортиб, етарсиз мустаҳкамликдаги ва бўш гуллар салмоғининг сезиларли даражада камайиши кузатилади. Жуфтлаш вариантыга боғлиқ ҳолда ўта мустаҳкам ва мустаҳкам гуллар салмоғининг $84,3-89,2$ фоизга етиш ҳолати кузатилган бўлса, жун-тола қоплами пигментациясининг кучайиши шароитида ушбу кўрсаткични $93,5 \pm 2,09$ фоизгача етказиш имконияти мавжудлиги аниқланди.

9. Тадқиқотларда кўйларни мақсадли селекциялаш асосида олинадиган авлодларда қимматли гул расмларини сезиларли кўпайтириш мумкинлиги аниқланди. Ушбу ҳолатда «ярим доира қаламгул х ярим доира қаламгул» варианты жуфтлашда параллел-концентрик гул расмига эга бўлган авлодлар салмоғи $57,6 \pm 3,77$ фоизни ташкил этгани кузатилиб, иккинчи ва учинчи вариантлардаги жуфтлашда қовурғасимон ва ясси типларга хос гулларнинг параллел-тўғри расмига эга бўлган авлодлар мутаносиб равишда $71,9 \pm 3,81$ ва $62,3 \pm 4,54$ фоизни ташкил этиши аниқланди. Шу билан бир қаторда кўйларни мақсадли селекциялаш шароитида олинадиган авлодлар жун-тола қоплами сифат ва ўлчамли кўрсаткичларининг сезиларли яхшиланиши кузатилди.

10. Кўйларни мақсадли селекциялашда қайд этилган белгиларнинг ирсийлик ва корреляция коэффициентларининг ёппа селекциялаш шароитидагига нисбатан маълум даражадаги пастроқ кўрсаткичлари селекция самарадорлигининг кўтарилишидан дарак беради. Бунда белгиларнинг ўзгарувчанлик даражаси қисқариб, бирхиллашиш даражасининг кучайиши кузатилади.

11. Олинган натижаларни иқтисодий баҳолаш натижалари қўйларни мақсадли жуфтлашнинг сезиларли афзаллик томонларини кўрсатдики, буни рентабеллик даражасининг 2 баравардан юқорироқ кўрсаткичлари билан изоҳлаш мумкин.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ PhD.05/30.12.2019. Qx.75.01 ПРИ НАУЧНО-
ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКОМ ИНСТИТУТЕ КАРАКУЛЕВОДСТВА И
ЭКОЛОГИИ ПУСТЫНЬ**

**НАУЧНО-ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКИЙ ИНСТИТУТ
КАРАКУЛЕВОДСТВА И ЭКОЛОГИИ ПУСТЫНЬ**

РИЗАЕВА ДИЛФУЗА ТАХИРОВНА

**ОСОБЕННОСТИ ПРОЯВЛЕНИЯ СЕЛЕКЦИОННЫХ ПРИЗНАКОВ
ЧЕРНЫХ КАРАКУЛЬСКИХ ОВЕЦ В УСЛОВИЯХ ПЕСЧАНОЙ
ПУСТЫНИ**

**06.02.01 – Разведение, селекция, генетика и воспроизводство
сельскохозяйственных животных**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННЫМ НАУКАМ**

САМАРКАНД – 2020

Тема диссертации доктора философии (PhD) по сельскохозяйственным наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров республики Узбекистан за номером B2019.1.PhD/Qx390.

Диссертация выполнена в Научно-исследовательском институте каракулеводства и экологии пустынь.

Автореферат на трех языках (узбекский, русский и английский (резюме)) размещен на веб-странице по адресу (www.uzkarakul.uz) и в информационно-образовательном портале «Ziyonet» (www.ziyonet.uz).


Научный руководитель:	Бобокулов Насилло Асадович доктор сельскохозяйственных наук, профессор
Официальные оппоненты:	Соатов Уткир Ражабович доктор сельскохозяйственных наук, доцент Хакимов Уктам Нормухамедович кандидат сельскохозяйственных наук
Ведущая организация:	Научно-исследовательский институт шелководства

Защита диссертации состоится «08» 10 2020 года в 14⁰⁰ часов на заседании Научного совета PhD.05/30.12.2019. Qx.75.01 по присуждению ученой степени доктора философии (PhD) при Научно-исследовательском институте каракулеводства и экологии пустынь (Адрес: 140154, Самарканд, ул. М. Улугбека, 47. Научно-исследовательский институт каракулеводства и экологии пустынь, конференц-зал, 2 этаж, тел: (99866) 233-32-79; факс: (99866) 233-34-81; e-mail: uzkarakul30@mail.ru).

С диссертацией можно ознакомиться в информационно-ресурсном центре Научно-исследовательского института каракулеводства и экологии пустынь (зарегистрировано за номером №175). Адрес: 140154, Самарканд, ул. М.Улугбека, 47. Административное здание института, 1 этаж, тел.: (0366) 233-32-79; факс: (0366) 233-34-81).

Автореферат диссертации разослан «25» 09 2020 года.

(Реестр протокола рассылки № 9 от «25» 09 2020 года)


 **М.Э.Аширов**
Заместитель председателя Научного совета по присуждению ученой степени, д.с.х.н., профессор

 **Б.С.Маматов**
Учёный секретарь Научного совета по присуждению ученой степени, д.ф.с.х.н (PhD)

 **С.Ю. Юсупов**
Председатель Научного семинара при Научном совете по присуждению ученой степени, д.с.х.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора (PhD) философии)

Актуальность и востребованность темы диссертации. Каракульские овцы разводятся в более, чем 40 странах мира, ведущими из которых считаются Афганистан, Южно-Африканская Республика, Намибия где созданы крупные массивы каракульских овец черной и серой окрасок, производящих ценные каракульские шкурки каракульчового типа¹.

Среди стран СНГ каракульские овцы разводятся в таких странах как Узбекистан, Казахстан, Туркмения, Россия, Украина, Молдова, Таджикистан в которых создан ценнейший генофонд каракульской породы овец различных окрасок, расцветок и завитковых типов. Следует отметить, на сегодняшний день при условиях массовой селекции используется существующий потенциал породы всего лишь на уровне 40-45%. При этом, как показывают проведенная многолетняя целенаправленная селекционно-племенная работа позволяет повысить уровень использования этого потенциала на 15-20%, а в отдельных случаях до 25-30 процентов.

В Республике пустынные и полупустынные регионы занимают 20,0 миллионов гектаров площади. Данные регионы характеризуются экстремальными условиями, резким континентальным климатом, довольно скудной урожайностью пастбищ. Эффективно использующей отраслью эти регионы является каракулеводческая отрасль, основу которой составляет каракульская порода овец, имеющая мировое значение и продуцирующая ценные каракульские смушки различных окрасок, расцветок, завитковых типов и ассортиментов. Генетический потенциал породы по выше упомянутым особенностям очень высок. При этом имеет важное значение, для повышения экономической мощности отрасли, имеет эффективное использование данного потенциала при выявлении ценных признаков и усилении их степени проявления.

